

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-985-993>

Маматқұлов Шұхрат Туробович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ижтимоий-гуманитар фанлар”
кафедрасы катта ўқытувчиси фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Уибұ мақолада ёшлар фаоллигининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири, уларнинг давлат бошқаруви тизимини замонавий күринишларини амалиётга тадбиқ қилишлари билан бөглиқ илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилган. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибіда ёшлар фаоллигини кашф қилиши, құллаб-құвватлаш ҳамда ёшлар фаоллигини шакллантиришининг янги институционал механизмларини ишилаб чиқиши бүйича устувор даражада тадқиқотлар амалга оширилган.

Калит сұздар: Ёшлар, ёшлар фаоллиги, ижтимоий-сиёсий, институционал механизмлар, фаоллик, сиёсий фаоллик, ижтимоий фаоллик.

ABSTRACT

This article focuses on scientific research on the impact of youth activism on socio-political processes, their application of modern forms of public administration. Priority research has been conducted to explore and support youth activism and to develop new institutional mechanisms for shaping youth activism.

Keywords: Youth, youth activism, socio-political, institutional mechanisms, activism, political activism, social activism.

КИРИШ

Дунё мамлакатлари тараққиёти ва истиқболини белгилаб беришда ёшлар мұхим ресурс ҳисобланғанлиги сабабли жағон мамлакатлари сиёсатида ёшлар фаоллиги масаласи мұхим стратегик аҳамият касб этмоқда. Дунёда 30 ёшгача бўлган 3,5 миллиард одам яшайди, улар сон жиҳатидан тарихдаги энг катта сонли аҳолини ташкил қиласди. Кўп мамлакатларда ёшлар (18-30 ёш) аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этади, бироқ кўпинча ёшлар ўзларини сиёсат ва қарорлар қабул қилишдан четда қолгандек ҳис қиласидар, натижада бу ҳолат ёшларнинг бўш қолдириши ҳамда давлатга ишончсизлик туйғусини уйғотиши мумкин. Шу жиҳатдан бугунги кунда кадрлар сиёсатини юритишда жағон

мамлакатларида ёшлар фаоллигини шакллантиришнинг институционал механизмларини амалий жиҳатдан такомиллаштириш ва жорий қилиш долзарб бўлиб бормоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ёшлар дунёқарашини юксалтириш, уларда ижтимоий фаолликни шакллантиришга барча даврларда алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, юонон файласуфи Суқрот жамиятнинг энг катта муаммоси ёшларнинг онги ва уларнинг ахлоқида жамият тараққиётига даҳлдорлик туйғусини тарбиялашдан иборат деб таъкидлаган. Арастунинг баҳт-саодат келтирувчи инсоний хислатларни ўзида яхлит ҳолда акс эттирувчи ақлий фазилатлар яхши хулқодатлардир, деган ғояси ёшларнинг ахлоқий тарбиясида билимнинг қадриятли мўлжалларини тўғри белгилашни тақозо этади. Ёшлар фаоллигини ижтимоий-фалсафий юксалтириш аҳамияти тўғрисида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ва бошқа мутафаккирлар ижодида очиб берилган. Жумладан, ёшларни ҳар томонлама жамият корига хизмат қиласидан инсон қилиб тарбиялашда жамият маънавий ва маданий тизимининг ўрни ҳам бекиёс хисобланади. Яъни, жамиятдаги кенг микёсли ўзгаришлар маънавият, маданиятдаги ислоҳотлар билан узвий боғлиқ. Муаммонинг ушбу жиҳати билан боғлиқ айрим масалаларни Тожибоева Х.М, М. Маматов, О. М.Ғайбуллаев, Э.М.Абзалов, А.Мухтаров каби олимлар илмий ишларида тадқиқ этилганини қайд этиш мумкин.

Мазкур мақолада ўрганилаётган мавзу илмий тадқиқотнинг тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, умумлаштириш, таққослаш каби мантиқий методлари асосида ёритилишга харакат қилинди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳар қандай жамиятда ижтимоий ҳаётнинг марказида – қон-томирад ёшлар ва уларнинг келажаги, эртанги кунга ишончи ва мақсад-манфаатлари ётади. Бу омила ҳозирги глобаллашув жараёнлари жадал кечаётган бугунги кунимизда ҳам ўзига тарзда намоён бўлмоқда. Миллий мафкурага содик, билим ва кенг дунёқарашга эга, ташаббускор ва айни дамда, маънавий дунёси бой, яшашдан умиди катта ва ишончи юксак ёшларга кенг имконият ва қулайлик яратиб бериш Ўзбекистон жамиятнинг ижтимоий сиёсатидаги бирламчи масалалардан хисобланади. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “БМТнинг Ёшлар стратегиясида таъкидланганидек, “ёшлар

сиймосида энг қимматли ва ўта муҳим ресурслар мужассам топган бўлиб, унга ҳар қанча инвестиция киритса арзиди, чунки бу сармоялар бир неча баробар зиёда бўлиб қайтади” [1]. Мен ғоят муҳим ушбу фикрга тўлиқ қўшиламан. Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги муҳим омил сифатидаги ўрни ва аҳамиятини таҳлил этишда, энг аввало, унга оид илмий категорияларни ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, бунда “фаоллик”, “сиёсий фаоллик”, “ижтимоий-сиёсий фаоллик”, “хуқуқий фаоллик” каби сиёсий-хуқуқий категорияларнинг мазмун моҳиятини ҳамда улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик масалаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

“Фаоллик” тушунчаси, асосан, “фаолият” тушунчасининг синоними сифатида ҳам қўлланилади. Инсоннинг фаоллиги атроф муҳитни ўз эҳтиёжлари, қарашлари, мақсадларига мувофиқ ўзгартириш қобилияти сифатида алоҳида мазмун-моҳият касб этади. Тегишли адабиётларда шахс фаоллигининг бир қатор белгилар бўйича фарқланиши ҳақида сўз боради” [2]. Бу борадаги ёндашувларни умумлаштирган ҳолда фаолликнинг қуидаги шаклларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

“фаоллик” ва “фаолият” тушунчаларининг моҳиятан ягоналигидан далолат берувчи фаолият шакли сифатидаги фаоллик;

инсонда ўз ички муносабати вужудга келган, унинг индивидуал тажрибаси акс этган фаолият сифатидаги фаоллик;

атроф муҳитни ўзгартиришга қаратилган фаолият сифатидаги фаоллик; шахсий аҳамиятга молик фаолият; инсоннинг ўз шахсиятини намоён этиш кўринишидаги фаоллиги ҳамда ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро таъсирга киришиш маҳсули сифатидаги фаоллик.

Ўзбекистонда янгича фикрлайдиган, ўз келажагини ўзи яратишга ҳаракат қилаётган, жамиядда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, давлатнинг тараққиётига ўзига хос муносиб ҳисса қўшаётган янги авлод вакилларининг ижтимоий ҳаётга кириб келиши муҳим аҳамият касб этмоқда [3]. Бугунги кунда жамият барча соҳалари ўз фаоллигини кенгайтириб бормоқда. Ёшлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбарияти эзгу мақсад ва вазифалар самарали бўлишида ёшларнинг иштирокига бевосита суннади. Айни пайтда, ёшларда мавжуд бўлган фаол бунёдкорликни қўллаб-кувватлаш орқали уларни жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини барқарорлаштириш ишида қўмак беради. Шу сабабдан ҳам давлатимизнинг мазкур объектив жараёнда самарали

ишларни амалга ошириши ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бирига айланиши зарур. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтаётган бир даврда ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ёшларни ўқитиш, уларни маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, уларнинг билим олиши ва ўзини-ўзи камолга етказишга интилишини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим” [4] деб таъкидлайди.

Жамиятда ёшларга оид муаммоларнинг пайдо бўлиши уларнинг муаммоларига эътиборсизликдан бошланади. Бу ёшларнинг ўзига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳиятини тушунмаган ёхуд ислоҳотларга шубҳа билан қараган, боқиманда, ўз қобигига ўралиб қолган, жуда бўлмаса, бир йилда олти ой, ҳаттоқи, бир неча йиллар чет элларда ёлланма ишчи бўлиб ишлаб, бирор ҳунарнинг бошини тутмаган, келажаги учун қайғурмай, меҳнат қилиш лаёқатига эга бўлса ҳам ота-онасининг маошига кун кўрадиган ёшлар кўпчиликни ташкил этгани ачинарлидир.

Фикримизча, бу каби салбий ҳолатларни бартараф этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак.

Биринчидан, мамлакатимиз раҳбари “Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида мухим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз” деб таъкидлаб, ҳар бир раҳбар эътиборини ёшлар муаммоларига устувор тарзда қаратилишини талаб қилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ мухим вазифалар белгиланган бўлса ҳам, вилоят ва туманларда унинг ижроси тўлиқ таъминланмаяпти. Ўқиши тамомлаган ёшларнинг аксарияти ўзи хоҳлаган эмас, қаерда таниши бўлса, ўша ерга ишга жойлашади. Кадрлар салоҳияти тўғри баҳоланмаган, ўз касбининг билимдони бўлмаган ҳар қандай ташкилот ёки бирлашма инқирозга маҳкум. Ҳокимият тизими бошқарув назариясидан йироқ таълим даргоҳида ўқиган, қурилиш, муҳандислик, қишлоқ хўжалиги, автомобиль йўналиши соҳаларини

тамомлаган ёшлар билан тўла. Тизимда фаолият олиб бораётган айрим ёшлар муомала маданияти кўникмаларига эга эмас.

Фикримизча, олийгоҳларнинг ижтимоий йўналишларида таълим олаётган ёшлар бошқарув тизимида ишлашлари мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, Ўзбекистонда ёшлар аҳолининг 60%дан зиёдини ташкил қиласи, мамлакат аҳолисининг ўртача ёши эса 25 ёшдир. Шу боис, қўшимча иш жойлари ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш учун имконият яратиш орқали ёшларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор бериш зарур.

Ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносаб ўрин эгаллаши, аввало, илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожи билан, бу борада бизнинг дунё миқёсида ракобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ. Афсуски ҳали ҳам ёшларнинг оммавий тарзда қўшни мамлакатларга иш излаб кетиши давом этмоқда. Бандлик хизмати фаолияти начор, иш ўринлари ташкил этиш режалари қофозда қолиб кетмоқда.

Назария амалиётга айланмас экан, ижтимоий жараёнларда ўсиш бўлмайди. Бунинг учун қофозбозликка чек қўйиш, реал вазиятдан келиб чиқиб хулоса чиқариш ва ҳолатни объектив баҳолаш ҳамда амалий фаолиятга ўтиш лозим. Ҳаёт тўхтаб турмайди, тарих ғилдирагини орқага айлантириб бўлмайди. Жамият тараққиётида ижтимоий онг жиддий аҳамиятга эга. Чунки тузумни инсон ўзгартиради, ислоҳотни инсон амалга оширади. Ҳар қандай ўзгариш инсон, унинг манфаатлари билан боғлиқ бўлмас экан, масъулият ҳисси йўқолади.

Учинчидан, Ўзбекистонда етмишдан ортиқ олий ўқув даргоҳлари мавжуд, лекин бу мамлакатдаги барча ёшлар қатламини қамраб олмайди. Ёшлар ўқишига, келажакка бўлган иштиёқи сўнган, яъни етарли балл тўплай олмай, ўқишидан йиқилган йигит-қизлар хасга ёпишса ёпишадики, ёшлар иттифоқи ташкилотига ишонч билдириб, ёрдам сўрамайди. Ёки хорижга ишлагани кетади, ёки тушкунликка берилиб, ҳаётдан кўнгли қолади. Улар ўз келажагини “Ёшларга оид давлат сиёsat”да кўрганида эди, ўзига берилган имкониятларни тўғри мушоҳада қилиб, мақсади сари олға интилган, бир йил мобайнида ҳам ишлаб, ҳам ҳунар ўрганиб, ҳам ўқишига киришга улгурган бўлар эди.

Тўртинчидан, ҳозирга қадар ёшлар ўртасида жиноятчилик содир этилиши камаймади, ёшлар орасида келажакка ишонч руҳи ўрнига лоқайдлик, эътиборсизлик, ўйин-кулгуга берилиш, дангасалик, ҳеч нарсага қизиқмаслик,

ишончсизлик, бўйсунмаслик, менсимаслик, тезда бойиб кетишни хоҳлаш, вақтни бехуда сарфлаш каби иллатлар мавжуд.

Бешинчидан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этшининг олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ёшлар интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни маънавий ва жисмоний камол топтириш, турли ёт ғояларни тарғиб қилиб келаётган ва паст савияли “оммавий маданият” таъсиридан асраш каби масалалар долзарблигини йўқотмаяпти.

“Оммавий маданият” таҳди迪 фақат четдан – Фарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китоблар, суратга олинаётган баъзи клип ва кинолар, эфирга берилаётган қўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий.

Қолаверса, ҳозирда айрим ғарб давлатлари томонидан ўз миллий манфаатларини кенгайтиришда «демократия экспорти», «рангли инқилоблар» ва «ахборот хуружи» кабилар асосий воситага айланмоқда. Ғаразли мақсадга эга бўлган кучлар ўзларининг ғояларини турли хил нодавлат ташкилотлар, лойиҳалар, фондлар воситасида амалга оширишга уринадилар. Бундай сиёсатни амалга оширишда улар ахборотнинг энг қулай ва энг тезкор, энг самарали восита ва усулларидан фойдаланмоқдалар. Ахборот айрим ғарб давлатлари ҳамда халқаро террористик ташкилотлар қўлида асосий ва даҳшатли қурол воситасига айланиб бормоқда. Глобаллашув жараёни бевосита ахборот билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда ахборот омили ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан айрим кучлар манфаатига айланиб бормоқда.

Шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда миллатлар ўз қадрятларини сақлаб қолишлари ва келгуси авлодларга етказиши билан боғлиқ масулият долзарб масалага айланиб бўлди.

Олтинчидан, ота-оналар ўз орзу-ҳавасларининг қурбони бўлаётган, балоғатга етиб-етмаган қизлар келажаги ҳеч кимни қизиқтиurmаяпти. Коллежни ҳам тамомламаган қизларни турмушга берган ота-оналар фарзандларининг на ҳунар, на қасбга эга бўлмай, турмуш зарбаларига чидай олмай, бир ёки икки фарзанди билан ажрашиб кетаётганларидан, мурғак гўдак келажагидан хавотир олмайдилар. Оилада камситилган, жисмоний жазоланган, маънавий хўрланган, қулларча муносабат кўрган ёш оналарнинг қисмати ёшларга оид давлат

дастурида белгиланган вазифалар жойларда ўз ижросини таъминланмаётганини кўрсатади.

Еттинчидан, бугунги кунда ёшларнинг ҳар жабҳада фаол, ижодкор ва изланувчан бўлиши, эртанги келажак учун бугундан мустаҳкам пойдевор қўйишилари зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Навқирон авлод вакилларини Ватанга садоқат, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бандлигини таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек устувор вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим, зиёлилик даражаси, интеллектуал салоҳияти, одоб-ахлоқи, зукколиги, ҳаракатчанлиги ва шиҷоати, ўзгаришларга тайёрлиги жамиятнинг умумий тараққиёт даражасини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, ким бўлишидан қатъи назар, ўқитувчими, давлат хизмати ходимими, шифокорми, ишчими, ҳунармандми, ҳар бир миллат фидойиси фаолиятида танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик кундалик қоидага айланиши лозим.

Фикримизча, фан-техника, ахборот технологияси жадал ривожланаётган жамиятда аксари ёшларнинг турли муаммоларга ўралиб қолишининг сабаби уларнинг дунёқараши, онги ва тафаккури билан боғлиқ. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидаги ёшлар муаммолари ва ташабbusларини ўрганиш шарт ва зарур. Негаки, барча ёшларни ижтимоий фаол дейиш тўғри эмас. Ёшлар тарбияси ҳам давлатнинг, ҳам жамиятнинг ишидирки, бу оиласдан бошлаб, фуқаролик жамиятининг барча ташкилотларигача устувор вазифа ҳисобланади. “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган мухим масала – ёшларнинг одоб-ахлоқи, юриш - туриши, дунёқарashi билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган – ёшлар. Ёшлар ўз даври талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин ўзлигини ҳам унутмасин. “Биз киммиз”, “Қандай улуғ зотларнинг авлодимиз” деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содик қолишга ундан турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”[5].

Ёшларга оид давлат сиёсати ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашга йўналтирилган.

Хозирда ёшлар фаоллигининг аҳамияти шу билан белгиланадики, уларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиб олишлари учун етарли асослар

шакллантирилиши ёшлар сиёсатини амалга ошириш босқичларида улар кайфиятлари, орзу-истаклари, умидлари, ҳаётий мақсадлари, интилишлари ва қандай яшашга қизиқишини илмий ўрганиш, улардан тўғри хуносалар чиқариш, ёшлар интилишларини ижобий ва бунёдкорлик ишларига йўналтиришга эришиш ўта долзарб стратегик вазифаларни келтириб чиқарганлигини кўрсатади [6].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш лозимки, бугунги кунда давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг айниқса, ёшларнинг иштироки уларнинг объектив воқеликка айланди. Ёшларнинг жамият сиёсий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиши, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мақсад ва манфаатларининг қондирилиши ҳамда, уларни амалга ошириш йўлидаги харакатлар асосида юз беради. Буларнинг барчаси жамиятда янгича муносабатлар таркиб топаётган ҳозирги даврда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш имкониятлари кенгайиб бормокда.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови.-Т.: Ўзбекистон, 2016 -12-бет.
2. Ануфриев В.В. Социальный статус и активность личности. - М.: Изд-во МГУ, 1994. - С.36.; Кожевников С.Н. Социально-правовая активность личности и условия её действенности: Автореф. дис. док. юрид. наук. - М.: 1992. - 46 с.
3. Мавлонова З. Ўзбекистонда ёшлар қатлами. Глобаллашув шароитида ватанпарварлик тарбиясининг маънавий-маърифий технологиялари”. Республика илмий-амалий конференция материаллари// Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси. –Тошкент, 2019. - 482 бет.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – 1-жилд Т.: Ўзбекистон, 2017, 422- бет.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнда Тошкентда бўлиб ўтган “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби” мавзусида ўтказилган анжуманда сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи, 2017 йил 16 июнь.
6. Бўронова, Д. (2007). Мустақиллик йилларида ёшлар сиёсатининг баъзи масалалари. “Ижтимоий фикр. Инсон ҳукуқлари” журнали, № 4, 152-155.

7. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology 29 (5), pp. 1846-1853.
8. Umarjonov, S.S., Safarov, M.K. (2021). Fahriddin Roziyning “Latoif ulg’iyosiyot” qo’lyozma asarida aql va e’tiqod masalasining qo’yilishi va uning diniy-falsafiy germenevtik tahlili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 1058-1068.
9. Safarov, M.K., Umarjonov, S.S. (2021). Abu Bakr ar-Roziy etikasida befoyda o’y surish va ochko’zlik muhokamasi. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 1045-1049.
10. Saifnazarov, I., Xujayev, M. (2018) Axmad Zaki Validiy islamic culture. Экономика и социум, 2, 55-57.
11. Умаржонов, С. С. (2022). Онтологияда субстансия ва аксиденсияга доир таълимотнинг Фахриддин Розий томонидан ривожлантирилиши. Academic Research in Educational Sciences, 3(3), 961–968. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-3-961-968>
12. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.
13. Safarov, M. (2021). Abu Bakr ar-Roziy etikasida insonning o‘z kamchilliklarini anglashi va uni bartaraf qilishi muhokamasi. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (9) 68-71.